ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚИРРАЛАРИ

Санжарбек Султонбекович Хошимов
Фарғона политехника институти ўқитувчиси
hoshimov1989@inbox.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада XV-XVI асрда Хитойда яшаб ижод қилган мутафаккир Ван Ян Мин фалсафий таълимотининг маънавий-ахлоқий ва гносеологик қарашлари очиб берилган. Унда инсоннинг комилликка эришиш мақсадида нафсни тарбиялаши, инсон ўзлигини англаши учун оламдаги ашёлар ҳусусиятларини англаши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: конфуцийлик, даосизм, буддизм, нафс, билим, инсон, онг.

SPIRITUAL-ETHICAL AND GNOSEOLOGICAL ASPECTS OF VAN YAN MIN PHILOSOPHICAL DOCTRINE

Sanjarbek Sultonbekovich Khoshimov
Teacher of Fergana Polytechnic Institute
hoshimov1989@inbox.uz

ABSTRACT

The article reveals the spiritual-ethical and epistemological views of the philosophical teachings of the thinker Wang Yan Ming, who lived and worked in China in the XV-XVI centuries. It states that in order to achieve perfection, a person must cultivate the nafs, and in order for a person to understand himself, he must understand the properties of things in the universe.

Keywords: confucianism, Taoism, Buddhism, desire, knowledge, human, mind.

КИРИШ

Инсоният цивилизацияси пойдеворига тамал тошларидан бирини қўйган Қадимги Хитой дастлабки фалсафий фикрлар вужудга келган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу давлат фалсафаси турли хил йўналиш ва оқимларга бойдир. Уларда фалсафий тафаккур қадриятларини ишлаб чиқишга жазм қилган машҳур кишилар, ўз даврининг кўзга кўринган донишманд-файласуфлари табиат, жамият ва инсон ҳаётига таалуқли бўлган кўпгина муаммоларнинг

ечимини топиш йўлларини изладилар ҳамда ўз даври шарт-шароитлари ғояларидан келиб чиқиб таълимотлар яратдилар. Шундай инсонлардан бири бўлган неоконфуцийчилик мактабининг вакили - мутафаккир Ван Ян Миндир. Ван Ян Мин Конфуцийдан сўнг Хитой феодал жамиятида чуқур из қолдирган энг йирик файласуфлардан бири бўлган. У ўзининг бутун ҳаёти давомида конфуцийчилик ақидалари ҳукмрон бўлган Хитой маданияти ва сиёсатида неоконфуцийчиликнинг фундаментал асослари ва ғояларини қайта ривожлантириш йўлларини қидирди. Унинг ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга ишонч, содиқлик каби қарашлари бугунги кунда нафақат Хитой ҳудудида, балки Шарқий Осиё давлатларида ҳам етакчи ғоялардан бири сифатида қаралади. Шу тариқа, ҳозирги пайтда ҳам Ван Ян Миннинг фалсафий қарашлари жуда долзарб аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯ

Неоконфуцийчилик ғоялари Т.Метсгер томонидан умумий ва батафсил ҳолда таърифлаб берилган. Европа ва Америка тадқиқотчилари анъанавий равишда неоконфуцийчиликни маънавий таълимот сифатидагина қараб келганлар. Россия хитойшунослиги асосчиси Бичурин Н.Я. (1777-1853) “Ниҳоят Мин сулоласи даврида (XIV-XV аср) Хитойдаги ахлоқий таълимотлар ўзининг дастлабки кўринишида қайта тикланди ва шу вақтдан буён у ўзгармай келмоқда” – деб таъкидлайди.[1] Мин сулоласи даврда ижод қилган Ван Ян Миннинг ҳаёти ва унинг фалсафий мероси дунёнинг турли бурчакларида катта қизиқиш билан тадқиқ этилмоқда. Унинг фалсафий ғояларига Ғарбда XX аср биринчи ярмидан қизиқиш бошланди. Хусусан, Ғарбда янминизм ғоялари ҳақидаги илк маълумот Т.Хаганинг (1893 й) япон фалсафий мактабларига бағишланган мақоласида келтирилган эди. Шундай қилиб Европа илмий ҳамжамияти биринчи марта ушбу фалсафий оқим билан унинг хитой манбалари орқали эмас, балки япон манбалари орқали танишди. Бу табиий ҳол эди. Чунки Японияда бу таълимот Хитойдан кўра кўпроқ мафкуравий кучга эга бўлган. Япон янминизмини ўрганишни Р.Армстронг ўзининг “Шарқдан нур” (1914 й) китобида давом эттиради. XX асрнинг биринчи чорагида янминизм ғоялари бўйича учта муҳим асарлар дунё юзини кўрди. Булар 1936 йилда ёзилган Ван Чанчжи қаламига мансуб француз тилидаги “Ван Ян Миннинг ахлоқий фалсафаси” асари ва шу йили Л.Кеди ёзган “Ван Ян Миннинг ҳиссий билиш назарияси” ҳамда 1939-1940-йилларда Чжан Юйсуан томонидан ёзилган “Ван Шоужен давлат арбоби сифатида” (иккаласи ҳам инглиз тилида ёзилган) асарларидир. Хитойшунос тарихчилардан Л.Вигер, А.Форке, Г.Хакман ва Э.Сенкерлар Ван Ян Мин

фалсафасини энг содда тарзда ёритиб беришга уринганини кўришимиз мумкин. Ғарбда янминизмни ўрганишнинг энг ривожланган даври XX асрнинг 50-йилларига тўғри келади. Бунга янминизм билан ғоявий жиҳатдан боғлиқликда бўлган дзен-буддизмнинг машҳур бўлиши ҳам сабаб бўлди. 1966-йилнинг баҳорида Колумбия университетида Хитой жамиятида Мин сулоласи давридаги мафкурага бағишланган семинар ва шу йилнинг июнида америкалик олимлар раҳбарлигида бўлиб ўтган илмий конференсия Ван Ян Мин таълимотини ўрганишнинг яна бир босқичи бўлди. Конференсия материаллари 1973-йилнинг бошида иккита жуфт рақамларда “Philosophy East and West” журналида нашр қилинган.

Совет илмий адабиётида ҳам Ван Янмингa таълимотига бағишланган махсус асарлар яратилди. Хусусан, А.А.Петровнинг “Хитой фалсафаси тавсифи”, “Фалсафа тарихи”, “Фалсафий энсиклопедия”сини айтиб ўтишимиз мумкин. Й.Б.Радул-Затуловскийнинг “Неоконфуцийчилик ва унинг Японияда ёйилиши” асарида янминизм ғоялари тўғрисида тўлароқ маълумотлар жамланган. Ван Янмин таълимотини тадқиқ қилишда А.И.Кобзевнинг илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта асрларда 3 илм синтези - конфуцийлик, даосизм ва буддизм Хитой мафкурасининг муҳим белгиларидан ҳисобланган. Бу соҳа олимлари ўзлари яшаган ўрта асрларда ҳам, ундан кейинги тарихий босқичларда ҳам давлатнинг ахлоқий – ижтимоий принциплар қўриқчилари ва муаллимлари, ҳуқуқий нормалар ва таълим тизими яратувчилари бўлиб қолавердилар. Маълумки, Хитойда ўрта аср ҳуқуқ ва ахлоқий қарашларининг асосида конфуцийлик таълимоти ётади. XV-XVI асрда конфуцийчилик таълимоти негизида мутафаккир ва давлат арбоби Ван Ян Миннинг ҳам ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланди. Унинг ғоялари давлат бошқарувида ҳамда ўша давр ахлоқий тамойилларинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, Ван Ян Мин фалсафий ғояларининг шаклланишига буддавийлик ва даосизм ҳам кучли таъсир кўрсатган. Ван Ян Мин таълимотидаги инсон табиати, унинг ички дунёси муаммоларининг устиворлиги масалалари янминизм ғояларининг кенг тарқалишига олиб келди. Ўзидан олдинги файласуфлардан фарқли ўлароқ (улар кўпроқ эътиборини жамиятга қаратишган) неоконфуцийчилик ғояларининг таъсири натижасида индивидуал шахс мутафаккир фалсафасининг энг асосий объектига айлана борди. Шу сабабли, янминизмда мавҳум инсоният эмас, балки индивидуал шахс, аниқ

инсонга эътибор биринчи даражали мақомга эга бўлди. Объект эмас, балки субъектга бўлган муносабат Ван Ян Минни бошқа файласуфлардан фарқлаб турувчи муҳим хусусиятдир.

Ван Ян Мин инсон ўзида осмоннинг олий тамойилини сақлаш (хитойда "осмон" буюк яратувчи сифатида талқин қилинади) ва инсоний хирс ҳамда ҳавойи истакларни жиловлаш ва эзгу мақсадлар сари йўналтиришда "нафсни" тарбиялаш кераклиги ҳақида фикр юритди. "Нафс жиловланганда осмоннинг олий тамойили доимо тиниқ бўлади, инсоний истаклар бўғилади ва ўз-ўзини йўқ қилади" деб таъкидлайди. Яъни инсон ўз нафсининг қулига айланиб қолишдан сақлана олсагина эзгу мақсадларга интилиш кучаяди ҳамда ёмонлик ва гуноҳ ишларга ундовчи ўй-фикрлардан ҳалос бўлади.

Нафсни тарбиялаш "инсон онгида беъмани фикрлар бўлмаслигини, ташқи оламда эса бемаъни ҳаракатлар содир этилмаслигини" талаб қилади. "Қачонки юракда жоҳилликка ундовчи истак қолмаса, мана шу тарбияланган нафс бўлади". [2]

Ван Ян Мин ахлоқий нормаларни инкор қилувчи диний қарашларга қарши чиққан.Унинг инсонда нафсни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари Шарқ маданиятида майдонга келган тасаввуф таълимотига ўхшаш ва ҳамоҳангдир.

Ван Ян Мин барча нарсаларда ижобий сифатларга эга "ли" (хитой фалсафасига кўра, руҳий олам, руҳий субстанция) [3] мавжуд бўлса, у эзгу бўлади деб таъкидлаган. Файласуф давлатда ҳам давлатчилик ёки бошқарув "ли"си бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Агар давлат шу "ли"га асосан ташкил этилган ва бошқарилаётган бўлса, у барқарор бўлади ва равнақ топади, агар ундай бўлмаса – у хаосга йўлиқади. Ван Ян Мин бундай "ли" – қадимги донишманд ҳукмдорлар амал қилган ва улар ўргатган бошқарув тамойили эканлигини таъкидлаган. "Ли" – унга амал қилиниши ё қилинмаслиги, унга ўргатилиши ё ўргатилмаслигига қарамасдан абадийдир. Бу масалада Ван Ян Мин ўз дўсти файласуф Чен Лян билан баҳс-мунозарага киришган. Чен Лян "Дао" (бошқарув тамойили) ҳақида гапириб, у одамлар фараз қилиши мумкин бўлган чегарадан ташқарида мангудир. У қандай бўлса, шундайдир, у мангу ва йўқ қилиб бўлмасдир. Одамлар унга риоя қилмаган бўлсалар-да, у йўқ бўлиб кетмайди". "Дао" – деб давом этади Чен Лян, – мавжуд бўлмай қолмайди. Мавжуд бўлмай қоладиган нарса эса – инсонга оид".[4]

Файласуф ва мутафаккир Ван Янмин "ли" (бошқарув тамойили) ўтмишда ҳам келажакда ҳам бир хил кўринишда бўлади деб таъкидлайди. Унга риоя қиладиганлар муваффақият қозонадилар, унга риоя қилмайдиганлар муваффақиятсизликка учрайдилар. Нафақат қадимдаги донишмандлар унга амал

қилганлар, ҳаттоки бугунги куннинг буюк шахслари ҳам бу тамойилга амал қилмасалар, муваффақиятга эришмайдилар. Бироқ бу ерда тафовут бор. Қадимдаги донишмандлар асосий нарсаларни аъло даражада бажариб, “олтин мувозанат”ни тутиб тура олар эдилар, шу боис улар бажараётган барча нарсалар бошидан охиригача яхшиликка лиммо-лим эди. Мутафаккир таъкидлашича, ўзи яшаган даврдаги ўзини буюк деб атаган одамлар ҳеч қачон “ли”га риоя қилмадилар ва фақатгина ўз нафсоний тилакларига биноан фаолият юритганлар. Улар қайси соҳада муваффақиятга эришиш осон бўлса, ўша соҳада муваффақиятга эришиб, “ли”тамойилига амал қилмоқдамиз деб ўйлайдилар. Лекин, амалларни аъло даражада бажармайдилар, шунинг учун улар “олтин мувозанат”ни тутиб тура олмайди. Улар ҳар соҳада бир-бирларига ўхшайди. Улар бажараётган нарсалар “ли”га батамом мувофиқ келиши мумкин эмас, шунинг учун уларнинг баркамоллиги комиллик эмас”.

Аксар Хитой мутафаккирлари Афлотуннинг “файласуф ҳукмрон, ёки ҳукмрон файласуф бўлмагунича мукаммал давлат ҳосил бўлмайди”, деган фикрини қўллаб-қувватлайдилар. Қадимги Хитой ҳукмдорлари файласуф бўлишга интилганликлари ҳақида ҳам Ван Ян Мин ўз мулоҳазаларини билдириб ўтган.

Ван Ян Мин ҳар бир одамда, ҳар бир нарсада бўлгани каби тўлалигича “Буюк чегара” мавжуд деб ҳисоблаган. “Буюк чегара”– бу барча “ли”ларнинг умумлашгани бўлганлиги сабабли, “ли”лар бизларда ҳам мавжуд, аммо бизнинг жисмонийлигимиз (моддий) туфайли тўлалигича ифодаланмаган. Бизларнинг ўзимиздаги “буюк чегара” ифлос сувдаги марваридга ўхшайди. Биз бу марваридни кўринарли қилишимиз керак.

ХУЛОСА

Ван Ян Мин билимга эришиш йўлининг икки тарафламалиги ҳақида гапирган файласуф Чен Ин қўллаган “ашёларнинг моҳиятини англаш орқали билимни поёнига етказиш” усулини ҳамда “онг”ни илгари суради. Файласуф “билимдан (батамом) маҳрум инсоннинг онги йўқ деб билади. Оламда “ли”га эга бўлмаган ашёлар йўқ. Аммо “ли”ни тўлиқ англай олмаганлиги туфайли бу билим тўлиқ бўлолмайди. У ўзининг “Буюк устозга саволлар” (Да сюе вен) китобининг биринчи насиҳатида “ўқувчи мавжуд ашёлар ҳақидаги билимни ниҳоясига етказиши ва шу билан ўз билимларини максимал даражага ошиб бориши учун англаган “ли”лари ёрдамида йўлда давом этиши керак” деб қайд этади. Бу йўлда барча кучларини сарф қилган инсон бир куни албатта барчасини англайди.

Ўшанда барча ашёларнинг ички ва ташқи, нафис ва қўпол хусусиятлари намоён бўлади, онг эса ҳақиқат равшанлигига тўлади дея таъкидлайди.

Файласуф ўзининг панд-насиҳатларида комил инсон даражасига етишиш учун булар етарли эмас деб ҳисоблайди. Агар инсонда онг бўлмаса, ашёлар моҳиятини англаш оддий маънавий машқ бўлиб қолаверади ва исталган мақсад – фикрнинг ойдинлашувига олиб келмайди. Ашёларни англаб, биз ўз бурчимиз – ўз шахсий табиатимизни намоён қилишимиз ва марваридни ялтираши учун тозалашни ёдда тутишимиз лозим. Фикрнинг ойдинлашуви учун доимо равшанлик ҳақида ўйлаш керак. Онгнинг вазифаси мана шунда.

Ван Ян Миннинг маънавий такомиллашиш усули Афлотун усулига, унинг табиатимизда барча ашёлар “ли”си мавжудлиги ҳақидаги назарияси – Афлотуннинг эслаш сифатидаги билим консепсиясига ўхшайди. Афлотун “биз билимни барча моҳиятлар туғилишидан аввал оламиз”, деган эди. [5]

Шундай қилиб, Ван Ян Мин таълимотида марказий ўринни инсон муаммоси эгаллайди. Лекин унинг мақсади одамнинг мавжудлигини объектив ўрганиш эмас, балки уни ҳақиқий комил инсонга айланиш йўлини кўрсатишдир.

REFERENCES

1. Бичурин Н.Я. (1972) “Статистическому описанию Китайской империи” (1842-г). стр-68. М.
2. Кобзев А.И. (1983) Проблема природы человека в конфуцианстве (от Конфуция до Ван Янмина) // Проблема человека в традиционных китайских учениях. Стр-128. М.
3. Д.Пўлатова, М.Қодиров, М.Аҳмедова, А.Абдуҳалимов, Ш.Шозамонов. (2011) Шарқ фалсафаси. Ўқув қўланма. Т., 494-б.
4. Wilson, Thomas A. (1995) Genealogy of the Way: the construction and uses of the Confucian tradition in late imperial China, Stanford: Stanford University Publications.
5. Gertz, Sebastian R.P. (2011) Death and Immortality in Late Neoplatonism: Studies on the Ancient Commentaries on Plato's Phaedo, Leiden: Brill.
6. Хошимов Санжарбек Султанбекович (2020) «Размышления о природе человека в китайском философском мышлении и их интерпретация в идеях Ван Янь Миня», Научный вестник Наманганского государственного университета : Вып. 2: Вып. 1, статья 27
7. Хошимов Санжарбек Султонбекович (2019) “Interpretation of human problems in philosophical thinking of East and West”, Scientific-technical journal of FerPI 23 (№3), 243-246.
8. Х.О.Шайхова, С.С.Хошимов (2019) “Modern World and It’s People”, Научный вестник. ФерГУ 4 (4), 122-127.